

## Жаҳонгир қори Неъматов Халқаро Қуръон мусобақасида ҳакамлик қилди



09:59 / 06.11.2023 1974

Қозоғистоннинг Миллий Республика байрами муносабати билан илк бор ўтказиладиган I Халқаро Қуръон мусобақасида Тошкент ислом институти "Таҳфизул Қуръон" кафедраси мудири Жаҳонгир қори Неъматов ҳакамлик қилди.

Мусобақа якунида Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси, муфтий Наврузбай ҳожи Таганули Жаҳонгир қори Неъматовга ҳакамлик ва ҳамкорлик учун миннатдорчилик билдириб, ташаккурнома ва мақтов ёрлиғи топширди.

Мусобақада Жаҳонгир қори Неъматов (Ўзбекистон) билан бирга Усмон Шаҳин (Туркия), Маҳер Фарамавий (Миср Араб Республикаси), Абдулла Али

Алҳашми (Бирлашган Араб Амирликлари) ҳакам сифатида иштирок этдилар.

